

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳудудда данакли интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, тўғри жойлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун асосан, тоғли ва тоғ олди ҳудудлар, **Аштском, БабаджанГафуровском, Канибадамском и Исфаринском** туманларнинг кенг минтақаларида қулай шароитлар мавжуд. Қулай иқлим шароити, ёгингарчиликларнинг мўллиги, ерларнинг юқори унумдорлиги, кескин шамолларнинг камлиги айнан данакли интенсив боғдорчиликни истиқболда ривожлантириш учун мос келади. Ушбу ҳудудларда 65%га яқин интенсив боғларни барпо этиш натижасида маҳсулот етиштиришни оширишга, йил бўйи янги узилган меваларга ва қайта ишланган маҳсулотларга бўлган аҳолининг ўсиб боровчи эҳтиёжларини таъминлаш учун айти муддаодир.

Назаримизда, ҳудуддаги аксарият боғдорчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг муаммоси сифатида молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ва улар билан боғлиқ техникаларни харид қилиш имконининг пастлиги мавжуд. Шунинг учун фикримизча мамлакатимизнинг барча вилоятларида интенсив ва интенсив бўлмаган боғдорчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар учун узоқ муддатли лизинг ва ёки имтиёзли кредитлаш бўйича конкрет чора-тадбирлар тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тадбирларни самарали амалга ошириш учун давлат органлари, мутасаддилар ва ёки хусусий тадбиркорлар томонидан лизинг компанияларини ташкил этиш ва самарали лизинг операцияларини амалга ошириш талаб этилади.

Вилоятда интенсив боғдорчилик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун асосий йўналишлари сифатида мамлакат ички ва ташқи бозорлари талабига мувофиқ келадиган меваларни қайта ишлаш, замонавий қадоқлаш ва меваларни куриштиришга ихтисослаштирилган цехлар, кичик ва урта корхоналар, мини заводларни, савдо ва сақлашга ихтисослаштирилган тузилмаларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муаммонинг ечими сифатида янги инвестицион лойиҳаларни чет эллик ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш мақсадида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш алоҳида аҳамиятага эга.

Мазкур лойиҳаларнинг мақсади юқори ҳосилдор кўчатларни мақбул жойлаштириш орқали данакли интенсив боғдорчилик ҳосилдорлигини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни илмий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборатдир. Ундан ташқари, деҳқон ва фермер хўжаликларида кўчатларни тўғри жойлаштириш ва юқори ҳосилдор рақобатбардош навлар экин майдонларини ошириб бориш. Бу масалани самарали ҳал этиш учун истиқболли йўналишлардан бўлган юқори самарадорлик ва инновацион технологияларни интенсив боғдорчиликка жорий этиш орқали эришиш мумкин.

Олдинги вақтда қабул қилинган боғларнинг ишонарли бўлмаган жойлаштириш схемаларининг асосий нуқсони шуки, боғларда кўчатлар орасида бир вақтнинг ўзида бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган ва ўз навбатида данакли боғларнинг нав таркибига яхши аҳамият берилмаган. Айнан шундай жойлаштириш схемалари натижасида вилоятда данакли меваларни етиштириш ҳажми ва тоғ ва тоғ олди ҳудудларда боғдорчилик самарадорлигини пасайиши кузатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, данакли интенсив боғдорчилик самарадорлигини ошириш учун вилоятда истиқболли режа сифатида қуйидагиларни тақлиф этамиз:

Иқтисодий жиҳатдан:

- ниҳолхона(кўчатхона)лар маҳсулотларини сотиш бозорларини ошириш;
- ҳуқуқ ва солиқ сиёсатини барқарорлаштириш;

- ички бозорда импорт маҳсулотлар улушини камайтириш;
- боғдорчилик хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар нарhini тартибга солиш;
- соҳа моддий-техник базаси даражасини ошириш;
- боғдорчилик хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини мақбуллаштириш;
- ички бозорларда маҳсулотга бўлган талабни ошириш мақсадида етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш ва ҳоказолар.


Агроэкологик жиҳатдан:

- данакли боғдорчиликдаги жойлаштириш схемаларини самарали юритиш;
- интенсив боғларни яратиш учун экин майдонларини ошириш;
- баҳорги аёз(совук)қа чидамли ва юқори ҳосилдор навларни самарали жорий этиш;
- тежамкор суғориш тизимлари ва зарарсиз ўғитлардан фойдаланиш даражасини ошириш;
- мавжуд паст даромадли экстенсив боғдорчиликдан янги, замонавий интенсив боғдорчиликка ўтиш;
- атроф-муҳит муҳофазасини амалга ошириш орқали табиий-иқлим шароитларидаги барқарорсизликни ва стресс омиллар даражасини пасайтириш ва ҳоказолар.

Илмий-ахборот жиҳатидан:

- боғдорчилик соҳаси мутахассисларини малакасини ошириш, боғдорчилик маҳсулотларинин сифати ва ўртача йиллик ҳосилдорлигини оширишга оид билим ва тажрибаларини кўтариш;
- тажриба алмашинуви ва маҳсулот етиштирувчилар билан соҳа мутахассислари ўртасида билим алмашинувини кучайтириш;
- таълимни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини сифатли ва малакали кадрлар билан таъминлаш ва ҳоказо.

Юқорида таъкидланган сабаблар вилоятда данакли интенсив боғдорчиликни истиқболда ривожланишини белгилаб беради. Шундай қилиб, вилоятдаги интенсив боғдорчиликни оширишнинг асосий вазифаси бу ҳудуддаги мавжуд салоҳиятдан рационал ва тўла масштабда фойдаланиш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдир. Мазкур лойиҳаларни амалиётга жорий орқали данакли интенсив боғдорчиликни ривожлантиришда ички заҳиралардан тўлақонли фойдаланиш учун қулай шароит яратиш ва маҳсулот етиштириш ҳажминини оширишдан иборат. Бундан келиб чиқиб, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаг келтирилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.(Чизма 3.2.1).



Ҳозирги кунда вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларига 71,3% данакли боғдорчилик хўжаликлар мужассамлашган, уларнинг вилоятдаги қайта ишлаш ҳажми 74,4% ташкил этади.

Вилоятда данакли боғдорчиликни ривожлантиришнинг истиқболи сифатида тез суръатларда интенсив боғдорчилик йўлига ўтишдадир. Ушбу мақсадга эришиш учун жадал суръатларда илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий этиш ва янги навларни экишни йўлга қўйиш, совуққа, турли касалликларга чидамли бўлган, ўртача йиллик ҳосилни юқори сифатли данакли мевалар билан таъминлай оладиган навларни жорий этишдан иборатдир.

Ҳозирги шароитда вилоятда интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг асосий салоҳиятли жиҳатлари қуйидагилардир:

- табиий-иқлим ва георфик жойлашувининг қулайлиги;
- данакли бодорчиликни ривожлантиришдаги зарур бўлган мавжуд ижтимоий-иқтисодий салоҳият;
- вилоятдаги интенсив боғдорчиликни ривожлантириш учун агроиқтисодий билимлар ва маҳсулот етиштиришдаги тажриба;
- ҳудуд аҳолисининг меҳнатсеварлиги, хўжалик юритишдаги тажрибаси, билимлари ва интилувчанлиги;
- ҳудуди ва маҳаллий бозорларга чиқишдаги маҳсулот етиштирувчиларнинг салоҳияти.

Юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда Қашқадарё вилоятида данакли интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. (жадвал-1).

Шундай қилиб, вилоятда данакли интенсив боғдорчиликни ҳажмини ошириш прогнозига биноан 2025 йилгача 4771 га янги, улардан 1997 га данкали боғларни барпо этиш назарда тутилган.

жадвал-1

**Қашқадарё вилоятида боғ майдонларини кенгайтириш бўйича
2025 йилгача бўлган муддатдапрогнози**

Кўрсаткичлар	2020		2025		Жами	
	Барча боғлар	Данакли боғлар	Барча боғлар	Данакли боғлар	Барча боғлар	Данакли боғлар
Янги боғларни барпо	2118	832	2653	1165	4771	1997
Интенсив боғларни барпо этиш (га)	121	65	213	107	334	172
Эски боғларни тиклаш	747	483	1096	794	1843	1277
Кўчат экилган майдонлар (га)	80	21	93	37	173	58
Кўчатларни етиштириш(мингдона)	2341,6	706,7	3751,8	1074,2	6093,4	1780,9

Ҳозирги кунда вилоятда пахта ва ғалладан бўшаган ерларда интенсив боғдорчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ерлар ажратиб бериш йўлга қўйилмоқда. Вилоятда йирик данакли интенсив боғларни самарали ва ўз вақтида барпо этиш учун янги экиладиган кўчатлар миқдори зарур бўлиб, уларга катта эътибор қаратилмоқда. Унга кўра, ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятида 6093,4 минг дона кўчатлар керак бўлади. Бу муаммони ҳал этиш учун вилоятда кўчатлар етиштириш билан шуғулланувчи питомникларни сонини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу миқдордаги кўчатлар вилоятда интенсив боғларни барпо этиш ва мавжудларини янада юқори ҳосилдор ва юқори сифатли кўчатлар билан янгиланишида асос бўлади. Бундан ташқари, 1843 га боғларни реконструкция қилиш ва аксарият қаровсиз қолган боғларни қайтадан тиклаш зарур. Бу реконструкция қилинган ва тикланган боғлар ҳам ўз ўрнида вилоятда боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошишида улкан аҳамиятга эга. Интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг муҳим ва асосий омилларидан энергия билан қуролланганлик ва ишлаб чиқаришни асосий фондлари билан таъминланганлик, айнан юқори самарадорликка эга боғларни барпо этишдир.

Олинган прогноз натижаларига кўра шундай хулосага келиш мумкин, интенсив боғдорчиликни рационал шакллантириш ва данакли меваларни етиштириш аксарият ҳолларда соҳанинг иқтисодий самарадорлигини белгилайди.

Қолаверса, жадвалда келтирилган прогноз кўрсаткичларга эриши орқали ҳосилдорлик ҳажмини ва ҳудуддаги данакли боғдорчиликни ўсиш суръатларини кескин оширади, пировардида вилоят боғдорчилигининг умумий тизимини яхшиланишига олиб келади. Боғдорчилик соҳасини ривожланиши вилоят ва мамлакат экспорт салоҳиятини кўтаришда туртки бўлади.